



Мендан Шавкат Мирзиёевнинг бугунгача эл-юртимиз олдидаги энг буюк хизмати нимадан иборат, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, Ўзбекистон ва халқимиз шаънини, обрўсини қайта жойига қўйганида, деб айта оламан. Зотан, кечагача миллатимизнинг ҳам, мамлакатимизнинг ҳам қиммати қандай бўлганини биз жуда яхши биламиз.

Ўзбекистон десанг, Покистон, Афғонистон ва яна бошқа...истонлар номини тилга олиб, бевосита ёки жўрттага талмовсираб турадиган хоризжликлар муносабатини кўп кўрадиган ва бу бизнинг шаънини камситарди. Тил, миллий тилимизнинг аҳоли ҳақида-ку, умуман гапириб ўтирмасам ҳам бўларди. «Биз мустақил бўлдик», «Эркинликни қўлга киритдик», дея дўппимизни осмонга иритган, шoirлар тилида айтганда, истиклолнинг ўтган чорак асрлик даврида ҳам маданий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлдик, деб айта олаёмиз. Масалан, миллий коднинг энг асосий унсури бўлган тил борасидаги сивестимиз эски замонларникидан кўп фарк қилган эмас.

Тўғри, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, амалда эса унинг мақоми ва функцияси худди мустақил замонларидегидек, образли килиб айтганда, рўзгор тили даражасида қолиб кетверди. Уша ижодкорларимиз романтизмга берилган замонларда Давлат тили, деб эътироф этиладиган ўзбек тили на илм-фан, на-да сивест тилига айланди. Ҳатто, бу тили жиддий масалалар мунозарасида ишлатиб бўлмайди, дегандай четроққа суриб қўйиб, халқаро муносабатларда ҳам, расмий доираларда ҳам аънаванавий, «миллатлараро восита» лисонидан кенг фойдаланишга устулик берилди...

Майли, ўтган кунлардан маломат қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Айтаётган мулохазаларимиздан эса мудоао ўзга. Яъни ҳар неники сифати зидди орқали маълум бўлади. Қолаверса, буюк ёзувчимиз айтганидек, тарихга қараб иш тутиш хайрлидир. Шу маънода гапирадиган бўлсак, бугунги Ўзбекистон, халқимиз туриш-турмуши, мамлакатнинг халқаро нуфузини кеча яшаган кунларимиз ёрқинроқ кўрсатади бизга.

Бир ўйлаб кўринг, кечагина миллий тил масаласини кўтарган зиёли ким деб аталарди? Катта эҳтимом билан миллатчи ёки камидо жамиятда айирмачилик кўзғовчи бузмакор. Ва, энг оғрикчи томони, қолонил мафкура томонидан ўйлаб топилган ушбу тамага кўпчилигини ажаблантирмас, одамлар бунга ўрганиб ҳам кетганди.

Хўш, айна маданий стереотипларини синдириш учун қанча вақт ва журъат керак бўлади, деб ўйлайсиз? Тўғри, кўпчилигимизнинг «Биз ҳали бундай сивест-маданий илсохотларга тайёр эмасмиз», «Давлат тили, яъни миллий тилга эътиборни кўтарсак, жамиятда носоглом муҳит пайдо бўлиши мумкин. Бу даражага етиш учун ҳали анча қовун пишиги бор», деганга ўхшаш сивестий уйдирмаларни эшитавериб, қулдонимиз қотиб қолган. Аммо масала мутлақо бундай чигал эмас экан. Узоқ йиллар камситилган, нечинчидир даражаларга тушириб кўрсатилган тилимизнинг мақоми кўтариш учун фақат сивестий лидер юраги шу халққа, Ватанга бўлган қучли муҳаббат билан уриб турса етарли экан.

Барчамиз яхши эслаймизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор 2020 йили БМТ миёнбаридан туриб ўзбек тилида нутқ қилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари бу масалада халқаро протокол тартиб-қоидаларини «бузишга» ҳам ўзида журъат топа олди. Масалан, Президентимиз 2021 йилда Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан билан ўтказган расмий учрашувида аънаванавий қонун-қоидадан чеклаб, ўзбек тилида музокаралар олиб борди.

Бемалол «тарихий» деб айтиш мумкин бўлган айна маданий илсохот мақомидоги қадамлар ўзбек тилининг обрўсини юксакларга кўтарди. Буюк аждоқларимиз гаплашган бу буюк тил баъзилар уқтирганидек, асло рўзгор ёки чучмал сериаллар тили эмас, балки халқаро миёнбарларда, давраларда



## КУТИБ ОЛ, ДУНЕ...

Шарль де Голль, Уинстон Черчилль, Франклин Рузвельт, Елизавета II, Ли Куан Ю...  
**Энди эса ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ!**

жарангашга қодир, қудратли, ўлмас ва шу билан бирга, «сивест тили» даражасида мутлақо муносиб эканини кўрсатди. Мен сўзим аввалида бекорга Миллатимиз Лидерининг ўз халқи, Ватани олдидаги энг буюк хизмати юрт ва миллатнинг кадр-киммати, шаънини кўтаргани, демаским. Зеро, у кишининг қалбидоги шу элга бўлган меҳри, халқига бўлган қайнок муҳаббати билан шундай рутбага эришти, десам асло янглишмаган бўламан.

Табиики, ҳар қандай мулохазанинг тағдида бир сабаб бўлади, албатта. Мени ушбу мақолаини ёзишга ундаган воқеа эса Президентимизнинг Францияга ташрифи доирасидаги ходисалар бўлди. Ҳа, сафар тафсилотларининг мен назарга олмоқчи бўлаётган жиҳатлари чиндан-да, ходиса, миллий эътиборимиз тарихидаги ноёб ходисалар мажмуаси десам, аяна тўғрироқ бўлади.

Ҳаммамиз кузатдик, ўқидик, кеча ижтимоий тармоқлар ҳам, миллий ОАВ ҳам бир-биридан қувончи хабарлар ва мулохазалар билан тўйингандай бўлди. Елисей саройида Президентимизни қабул қилган Франция Президенти Эммануэль Макрон ўз нутқини ўзбекча лутф билан тугатди: «**Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция! Яшасин Франция – Ўзбекистон дўстлиги!**» Ва унинг айна мана шу қалом ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментидо «портлаш» эффектини юзага келтирди, десам нофутури гапирмаган бўламан.

Оддий чўпондан тортиб, академиккача, олис тоғ, чўл овуллари ёки дунёнинг нариги бурчагида яшаётган қай бир ватандошимиз борки, барчасини бу ходиса мутаассир этди. Миллионлаб юртдошларимиз ушбу лавҳа ва Макроннинг ижтимоий тармоқлардаги ўз сивестифаси қайиладиган тил, деб кўрсатиладиган, уқтирилган ОНА ТИЛИМИЗга нафақат Европа, балки жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бирининг раҳбари хурмат кўрсатса, шу тилда тилдақ билдирса, бу ходисани миллий тарихимиздаги улкан эврилиш, деймай яна нима, дейиш мумкин?!

Ахир Ўзбекистон бундан олдин ҳам бор эди. Илгарилари ҳам дунё давлатлари билан дипломатик алоқаларини йўқ эди, дейлмаймиз... Аммо бугун жаҳоннинг бизга бўлган қарашини ҳам, муомаласини ҳам ўзгарди. Бу муносабатлар ўз-ўзини бўлади, деб ўйлайсизми? Ёки ўзбекчилик, дегандай тўртта патири, новоту қанд-курс билан эришилди, деб ҳаёл қиласизми, бундай мартабага?!

Мен шундай тушунамани, барчамизнинг кўнгилларимизни ёритган, гуруримизни кўтарган бу маданий ходисалар Президентимиз иш бошлаган илк кунларидоқ қал

бига туккан улуг ғоя – миллатнинг қадрини жойига қўйиш, унинг қимлигини дунёга кўрсатишдек қатъий олинган қарорнинг давомидир. Аслида барчамизнинг қалбларимизда ифтихор туйғулантирган бу воқеаларни бемалол сивестий ирода галабаси, десак ҳам тўғри бўлади. Зотан, Европа иттифоқидаги ягона Атом қудратига эга, бундан ташқари, инсоний тамаддундоги ўз салтанатчилик (империя) тарихига эга мамлакат Ўзбекистон билан сивестий мулозаматларини муносабатини йўлга қўйди, десак масала ойдинлашган бўлар эди.

Тарихга назар ташласак, Ватанимиз билан ушбу давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар кўп қадим замонлар илгари йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин. Манбалар шунини кўрсатадики, буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темури ўз вақтида Франция қироли Карл VI билан эътишмалар қилган, расмий алоқа ўрнатган. Албатта, тарихимизнинг ўша шонли даврлари Ватанимиз қудратига берилган баҳо ҳозир ҳам киши кўнглини масур қилади. Аммо у ўтмиш. Лекин ҳақиқат шундаки, нафақат Франция, балки у жойлашган бутун бошли «Кўҳна қитъа» Амир Темури давлатини ўша замон қудрати (держави), ўзини эса Европа халоскори, деб билишарди. Хурсанд бўладиган жиҳат эса бунда: давлатчилик, халқимиз зақоси, миллий маданиятимиз дунёнинг олди давлатлари томонидан худди Темури замонларидагидек бугун яна тан олинмоқда.

Бундай дейишимга, албатта, етарли асосларим бор. Биринчидан, ташрифт довомида икки томонни ҳам тўлиқ қаноатлантирадиган, манфаатларига мос тушадиган қўллаб-қўллаш, жумладан, улар орасида энг муҳимларидан бири бўлган икки давлат ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. Айна хужжат қандай қучтага эга эканини сивестифаси айна кўнгли билан алоқа одам ҳам яхши тушунади.

Иккинчидан, ташрифтнинг биз учун энг қувончли бўлган воқеаси, ўша машҳур Елисей саройида Макрон томонидан Президентимиз Франциянинг энг олди давлат мукофоти Фахрий легион ордени (l'Ordre de la Legion d'honneur) билан муқофотлангани бўлди. 1802 йил 19 майда император Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган айна мукофот бугунгача нафақат Францияда, балки дунёдаги энг нуфузли мукофотлардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, унинг хобруси, мартабасини уни олган тарихий шахслар, сивестифаси тарихини ва санъат арбоблари ҳам белгилайдилар.

Ўз вақтида Франция Президенти Шарль де Голль, Буюк Британия бош вазيري Уинстон Черчилль, Микробиология асосчиси машҳур олим Луи Пастер, француз актёри Жан-Поль Бельмондо, ёзувчи, «Уч мушкетёр» асари муаллифи Александр Дюма, биринчи фазогир Юрий Гагарин, Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела, АКШ Президенти Франклин Рузвельт, Буюк

Франция Президенти Эммануэль Макрон ўз нутқини ўзбекча лутф билан тугатди:  
**«Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция! Яшасин Франция – Ўзбекистон дўстлиги!»**



Британия қироличаси Елизавета II, Сингапур Бош вазيري Ли Куан Ю... Қисқасига ушбу рўйхатта жиддий назар солсангиз, сафда бирорта тасодифий шахсни кўрмайсиз. Барчаси дунё сивестифаси, маданияти, бир сўз билан айтганда, инсоний тамаддундоги таъсир қилган лидерлар, инсонлар... Сиз ушбу юксак муқофотни ўзбекининг қироли қошу қўзига қараб берди, деб ўйлайсизми? Бу мартабага эриштиш, юқоридоги жаҳон халқлари тан олган нуфузли рўйхатдан жой олиш учун жуда улкан меҳнат керак бўлади, азиз ўқувчи.

Ушбу муқофот Президентимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда амалга ошираётган тарихий ўзгаришлар жараёни ижодкори сивестифаси иродали сивестифаси натижаси, десак ҳақиқатини айтган бўларимиз. Хусусан, шаҳсан Шавкат Мирзиёевнинг сивестифаси ирода сифати билан бугунга келиб Марказий Осиё ягона геосивестифаси субъект сивестифасида эътироф этила бошланганини жуда кўп сивестифаси, тақдирчилар қачки маънода эътироф этишмоқда.

Жумладан, минтақамиздаги бугунги жараёнлар ҳақида мунозара қиладиган сивестифаси аналитиклар интеграцион жараёнларнинг самаралорлиги интеграция субъектларини ўз атрофида жиңслаштира оладиган салоҳиятга эга давлатлар

нинг мавжудлиги билан боғлиқ, дея эътироф этишарди. Ва айна вазифани уйдлашга қодир бўлган минтақа давлати сивестифасида Ўзбекистон номини келтиришарди. Жуда қисқасига ушбу таъриф ҳам Президентимизга дунёда юксак обрўга эга бўлган ушбу муқофот қандай хизматлари учун берилганини асослашга етарли, деимизча.

Бугун мени ёзишга ундаган нарса қалбимни ёндирган фахр-ифтихор туйғуларини бўлди. Ҳа, бугун мен, сиз, барчамиз қувонингизга, бир-биримизни қутлашга қутлуг бир сабаб бор. Бу, муҳтарам Президентимизнинг Европа марказида туриб, давлатимиз, миллатимиз шаънини юксакларга кўтаргани бўлди. Шундай улуг эътироф, мартаба барчамизга муборак бўлсин!

**Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизни, қолаверса, бутун халқимизни ўз сафарларида етти миллион ватандошларимизни бирлаштирган Ўзбекистон касба уюшмалари номидан кизгин қутламоқчиман:**

**Юксак муқофот муборак бўлсин, муҳтарам Президент!  
Юксак муқофот муборак бўлсин, азиз ватандошлар!**

Қудратилла РАФИҚОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси

## ЧЕМПИОН ХОККЕЙЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон ёшлари кўпгина спорт турларида дунёга ўзларини тан олдиришарди. Бокс, тазквондо, шахмат, енги атлетика қабилар шулар жумласидандир. Эндиликда ушбу спорт турлари қаторига хоккейни ҳам қўйишимиз мумкин. Гарчи, хоккей бизнинг миллатимизга бироз узоқроқ спорт тури бўлса-да, ёшларимиз унда ҳам иқтидори ва истеъдодини намойиш этмоқдалар.



Шу йилнинг 28 февраль – 6 март кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган U-18 ёш тоифасидаги хоккейчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг хоккей мактаби тарбияланувчилари ташкил топган терма жамоамиз муносиб катнашиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтди.

Ушбу мусобақада терма жамоамиз Жанубий Африка Республикаси термасини 12:0, Люксембургни 12:1, Туркменистонни 8:2, Босния ва Герцеговинани 11:3 ва Таиланд терма жамоасини 3:2 ҳисобида енди. Шунга қўра, ўз гуруҳида юз фонзлик натижани қайд этган хоккейчиларимиз келаси мавсумда U-18 жаҳон чемпионатида III дивизионнинг «А» гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Кеча Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида хоккей жамоаси мурабийи ва спортчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тақдирини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

– Хурмати мурабийлар ва ёш спортчиларимиз, – деб бошлади ўз сўзини Қудратилла Рафиқов. – Аввало, сизларни ушбу ғалаба билан чин қалбимдан табриқлайман. Сиз хоккей бўйича юртимиз спорт тарихида янги саҳифа очдингиз. Бугун дунё ахли, қолаверса, катта иштиёқ билан сизни қузаиб турган юртдошларимиз маҳорат намоян эгганингизга гувоҳ бўлди. Ҳар бир учрашувида юқори устуликка эришганингизга хайрат ва ҳавас билан қолдиклар.

Бунинг замирида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Янги Ўзбекистонимизда профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли илсохотлар ётибди, десак, адашмаймиз. «Хумо Арена» муз саройи қурилгани кўп ўтмай ўз самарасини беришти. Бунга сизларнинг натижангизини бемалол мисол қилиб айтишимиз мумкин.

Қ.Рафиқов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бундан кейин ҳам хоккейчиларни қўллаб-қувватлашда давом этишини, уларнинг ютуғи бутун юртимиз ахли қалбини фахр ва ифтихорга тўлдирганини таъкидлади. Қолаверса, ёш хоккейчиларнинг жаҳон чемпионатида эришган улкан ғалабаси Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик шодиёнасига муносиб совға бўлганини ҳам эътироф этиб ўтди.

Шундан сўнг ёш спортчилар ва уларнинг мурабийларига пул муқофотлари ҳамда махсус табриқномалар топширилди.

– Хоккейчида қўллаб-қувватлаш бўлиши керак, – дейди спортчилар мурабийи Абдумажид Носиров. – У тазкор, ақли, услубий жиҳатдан тез қарор чиқариш қобилиятларини ўзида бирлаштирган бўлиши лозим. Ҳозир «Хумо Арена» муз саройида 100 нафардан ошиб ёшларимиз шуғулланаётган бўлса, улар орасида умидли, иқтидорлилар анчагина. Апрель ойида Арманистонда катталар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Айна давларда ушбу мусобақага ҳам кизгин тайёргарлик кўрапмиз. Таиланддаги U-18 жаҳон чемпионатида III дивизионнинг «А» гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Келгуси максалларимиз ушбу натижаларни босқичма-босқич юксалтириш бўлади. Қўрсатилаётган эътибор ва яратилган шaroитлар учун давлатимиз раҳбарига барча хоккейчиларимиз номидан миннатдорлик билдираман. Насиб қилса, йиғитларимиз янги марраларни забт этиш йўлида янада кўпроқ меҳнат қилишарди.

Талбирда касба уюшмалари фаоллари ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Жасурбек Рустамхоновнинг 5 йилда 22 очко (14 гол + 8 ассист) жамғариб, турнирнинг «Энг яхши ўйинчиси», «Энг яхши хужумчиси» ва Рустам Эргашевнинг «Энг яхши дарвозабон» деб тан олинганига ҳам алоҳида эътибор қаратишди ҳамда ёш спортчиларга омад тилашди.

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»

# ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 13 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 21 608 ТАСИДА (58,3 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ўТКАЗИЛДИ.



Моҳидил Исақова Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасида касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаб келаётганига кўп бўлди. Бу давр ичида у ходимлар дардига дармон, қийналганларининг росмана суюнчилигига айланди. Жамоа қанча катта бўлмасин, етакчи барча аъзоларнинг ижтимоий аҳволини яхши билади. Ким кўмакка муҳтож, кимнинг оилавий ҳолати қандай, ким яхши ишлапти, қайси ишчи «Аёллар дафтари»да туради – ҳаммасидан хабардор.

## ЖАМОА ИШОНЧНИ ОҚЛАШ – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Бежиз касаба уюшмаларини ишчи-ҳодимларнинг ҳимоячиси дейишмайди. Уларнинг беш нафари ишдан бўшатилаётганда, касаба уюшмаси аралашуви билан ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузишда ҳам Моҳидил Исақова ташаббускор бўлади. Аъзолар фикридан келиб чиқиб, бу ҳужжатга ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга ҳизмат қиладиган бандларни киритишга интилади. Шу боис ишчи-ҳодимлар кўплаб имтиёزلарга эга бўлишади.

Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам етакчи томонидан ҳодимлар манфаатига ҳизмат қилган кўплаб ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Жумладан, сўнгги беш йил давомида 574 нафар ҳодимга моддий ёрдам кўрсатилди, 380 нафардан зиёд ходим йўлланмалар асосида турли сыхатгоҳларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Ҳодимларнинг 127 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида марокли дам олдирилди. Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан касаба уюшмаси кўмитаси тақдирномасига асосан 584 нафар ходим рағбатлантирилди. Кам таъминланган, эҳтиёжмандларнинг 236 нафар ишчи-ҳодимга мақсадли ўқув курслари олиб берилди. Минг нафардан ортиқ ходимлар республикамиз бўйлаб саёхатларга олиб борилди.

Жамоа аҳлининг ташвиши билан елиб-югуриб, уларнинг оғирини енгил, мушуқлини осон қилишга одатланган касабакўмга муқобиллик асосида ўтказилган сайловда яна ишонч билдирилди.

Тиббиёт муассасасида 2 минг 236 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг ишончини оқлаган, кўмакчи бўлган бўлсам, менга шунинг ўзи юксак муқофот. Қолаверса, менга билдирилган ишончини катта масъулият деб биламан ва келгусида ҳам аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳимоячиси бўлиш йўлида янада самаралироқ меҳнат қилишга ҳаракат қиламан, – дейди Моҳидил Исақова.

Жамшид ЭРТАШЕВ  
«ISHONCH»

# «Касаба уюшмалари истиқболимиз учун нима қилиб беради?»



«Парвоз Ҳумо Равнак Транс» масъулияти чекланган жамиятида ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ёш делегатлардан бири шу саволни ўртага ташлади.

Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ҳамиджон Бешимов шундай жавоб қайтарди:

– Аввало, хотиржамлик туйғуси! Сабоби, касаба уюшмаси иш берувчи билан тузилган локал ҳужжатлар орқали аъзоларнинг барча ҳуқуқларини муҳофаза қилиб боради. Иш ўринлари мустаҳкамлиги таъминланади. Меҳнат қонунчилиги амалиётга таъбиқ этилиб, ҳодимларнинг ҳуқуқий онги юксалади, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтадиган, жипслашган мустаҳкам жамоа шаклланади. Энг асосийси, ходим яхши мустаҳкам сифатида босқичма-босқич юқори лавозимларга кўтарилиб, ҳатто пенсияга чиққан кейин ҳам фахрий сифатида ушбу жамоанинг ҳурмат-эътиборидан тушмайди.

– Шу ўринда бир таклифни билдирмоқчиман, – деди ёш делегат. – Касаба уюшмалари ташкилотлари лидери танланаётганида иқтидорли, билими ва маданияти кучли, фидойи, ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки кучли лидерлар аъзолар манфаатларини ҳимоя қилишда тиришқок, маънавий етуқ, ўз мафратини ўйламайдиган, Ватанга сидқидилдан ҳизмат қила оладиган,

ўз соҳасининг мохир эгалари бўлишади.

Бухоро вилоятидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ана шундай кизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ҳамда таклифларга бой ҳолда ўтмоқда.

Бухоро вилоятида 2593 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти мавжуд. Улардаги 442840 нафар аъзонинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимояда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятида муҳим воқеалик бўлиб, ушбу жараёнда кўмига ўтган беш йил давомида эришган натижалар, мавжуд муаммолар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинмоқда, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинмоқда.

Бу эса бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларидан ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларига пухта ҳозирлик кўришни, масалага масъулият билан ёндашишни, йиғилиш ва конференциялар «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, тизимда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилишини таъминлашни, тегишли ҳужжатларни ўрнатилган тартибда расмийлаштиришни талаб этади.

Шуни эътиборга олиб, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарла-

рига услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари(конференциялари)ни ўтказиш юзасидан тавсиялар тўплами амалиётда фойдаланиш учун барча даражадаги касаба уюшмаларига етказилди.

– Шаҳар ва туманларда ҳисобот-сайловларни юқори савияда ўтказиш бўйича ўқув-семинарлар режа-жадвал асосида ташкил этилди, – дейди Ҳамиджон Бешимов. – Уларда касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказишга онд низоом мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Февраль ойи давомида 1161 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов ўтказилди. Уларнинг 1103 таси умумий йиғилиш, 58 таси конференция шаклида ташкил этилди. 17 тасида делегатлар ва йиғилиш катнашчилари сайловларни яширин овоз бериш йўли билан ўтказишни маъқул топишди. 137 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотиде кўмига раислари янгида сайланди.

Вилоятимиздаги «Парвоз Ҳумо Равнак Транс» МЧЖ, Республика тез тиббиёт ёрдам марказининг Бухоро вилояти филиали, Бухоро электр тармоқлари каби корхоналарда ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциялари ёшларнинг ўз келажиги, қолаверса, касаба уюшмаларига бефарқ эмаслигини намоён қилди. Сўзга

чиққанлар уларнинг ҳуқуқий билими, билдираётган фикр-мулоҳазаларини эътироф этишди.

«Парвоз Ҳумо Равнак Транс» МЧЖ касаба уюшмаси кўмитаси раиси уч нафар, Тафтиш комиссияси раиси ҳам уч нафар номзод орасидан сайланди.

Аъзолари сони 3890 нафарни ташкил этадиган Республика тез тиббиёт ёрдам марказининг Бухоро вилояти филиали бошланғич касаба уюшмаси ташкилотиде 107 нафар делегат иштирокида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияси эса музокара-ларга бой бўлди. Касаба уюшмаси кўмитасининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятига доир ҳисоботда ҳодимларни саёхатларга олиб бориш, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ишларнинг намунаси йўлга қўйилгани эътироф қилинди. Касаба уюшмаси кўмитаси раислигига номзод яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Вилоят электр тармоқлари корхонасида кўмига раислигига ҳам 4 та номзод ичидан ёш овоз бериш йўли билан муносиб, кўмига аъзолигига 13 та номзоддан 9 таси сайланди.

Жараёнлардан кўриниб турибдики, ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар ҳар бир аъзонинг келгуси ҳаётида муносиб из қолдиради.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»



Дунё сиёсий тарихи ҳукмрон доиралар ўртасидаги сон-саноксиз ихтилофларга гувоҳ бўлган. Буюк империяларни ташқи душман эмас, балки ичдан чириш, ҳокимият тепасидан қулаш ҳамда уни қўлга киритмоқчи бўлганлар ўртасидаги кураш қулатган. Бугун ҳам биз шунга ўхшаш жараёнлар гувоҳига айланяёмиз. Узоқ йиллар АҚШ ва дунёнинг каттагина қисмини бошқариб келган махфий давлат (deep state) қақшатқич зарбалар нишонига айланди.

Дональд Трамп – омма кўз ўнгидеги шахс. Бироқ унинг ортида анча мураккаб ва шакланган кучлар бор. Уларни янада махфийроқ давлат (deeper state) деб аташса, асло адашмаймиз.

Албатта, бу фарзга айригина туюлиши мумкин. Лекин яширин давлат ҳаётининг барча асосий соҳаларини назорат қиладиган тузилма бўлса, ундан ҳам махфийроқ давлат бўлиши мумкинми? Бу шунчаки сўз ўйини эмас. Тарихга назар ташласак, бундай ҳодиса табиий эканига амин бўламиз. Ҳар қандай империянинг расмий ҳокимияти нуқоти ортида бир қанча сиёсий кучлар бўлган ва ҳукмрон доиранинг бир қатлами назоратни йўқота бошласа, унинг ўрнини таъсир кучи, ресурслари, келажак ҳақида собит қарашлари бор янги махфий аристократия эгаллаган.

Трампазмнинг дастлабки кўриниши (2016-2020) халқнинг либерал ҳукмрон доираларга қарши кўпол ва тартибсиз зарбаси эди. Аммо унинг иқтидорга иқкинчи бор келиши (2024) биргина популистик тўлқин натижаси эмас. Уни режалаштирилган инқилоб дейиш мумкин. Мазкур инқилобда халқ газабига фақат курул вазифасини ўтаб берди. Ҳақиқий куч эса технократлар ва акселераци-

онистлар (технологик шиддатчилар – янги технологиялар, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни тезкорлик билан жорий этиш тарафдорлари) қўлида. Улар айнан deep state – энг махфий давлатдир.

Либерал-глобалистик элита АҚШда бир неча ўн йиллар давомида шакланган. Унинг тамойиллари жуда жўн: жамият онгини ОАВ ва маданият орқали назорат қилиш, иқтисодий фаолиятни молиявий институтлар ва халқаро келишувлар орқали тартибга солиш, сиёсий рақибларни бюрократия ва суд тизими орқали бостириш. Бироқ унинг битта камчилиги бор: у барқарорликни талаб этади. Вақтнинг XX асрагидек осуда кечиши, ресурсларни секин-аста қайта тақсимлаш, ҳар қандай чегараларни емириш, оммавий миграция ва ижтимоий ислохотлар орқали зарарсизлантириш – либерал элита маъқул кўрган ҳаёт тарзи.

Бироқ XXI аср – тезлашув асри. Вақтнинг айни шу кесимида технократ-акселерационистлар сахнага чиқди. Улар келажакнинг энг муҳим валютаси нефть ҳам, пул ҳам эмас, балки тезлик эканини англаб етишди.

Агар анъанавий яширин давлат бюрократик институтлар ва медиа кудратига асосланган бўлса, янги яширин давлат алгоритмлар, маълумотлар ва технология ҳукмронлига таянади. Унинг етакчилари — Силикон vodiysидан чиққан шахслар: Питер Тиль, Илон Маск, Марк Андриссен, Вивек Рамасвами кабилар.

Технократ-ўнғичлар (tech right) мафкураси «Қоронғи маърифат» (Dark Enlightenment) гояларига асосланган бўлиб, бу концепция Кертис Ярвин ва Ник Лэнд томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг асосий тезислари анъанавий сиёсатта таҳдиддек янграйди: «Демократия – самарасиз. У тараккиётни секинлаштиради, инновацияларга тўғанок бўлади ва бошқарувни омма меҳрини қозониш учун чексиз курашга айлантиради.

Либерал мафкура эскирди. Гендер сиёсати, тенглик, ижтимоий адолат каби тамойиллар ривожланиш йўлидаги тўсиққа айланди.

Келажак – технократияники. Давлат институтларини сунъий интеллект, алгоритмлар ва рақамли платформалар алмаштиради». Бу ёндашув ҳукмрон доиралар ўртасида ихтилоф келтириб чиқарди. Айрим технократлар (Google, Meta, Amazon) либерал йўналишга содик қолди, бошқалари эса (Маск, Тиль, Андриссен) янги тартибга овоз берди. Улар популизмга иншонганлари учун Трампи қўллаб-қувватлаётганлари йўқ. Аксинча, уни эски тизимни ваёрон қилиб, келажакка йўл очувчи восита сифатида кўрмоқдалар.

АҚШда элиталар ўртасидаги кураш давом этаётган бир пайтда Европа даяри пиёдага айланиб борапти. Иқкинчи жаҳон урушидан кейин у АҚШга вассаллик ришталари билан боғланган эди. Би-

# КЕЛАЖАК

рок Трамп келиши билан ушбу келишув илдизига болта урилди. АҚШ молиявий ва харбий ҳимояси остида яшаб келган Европа ҳукмрон доиралари бундан буён ўз муаммолари қаршида яқка-ёлғиз қолишганини англаб етишди. Ҳақиқий чоралар сабаби шундан. Европа Иттифоқи фавқулодда саммит ўтказиб, мудофаа учун 800 миллиард евро ажратишга қарор қилди. Европа инвестиция банкни эса харбий дастурларни молиялаштириш йўлига ўтказиш режалаштирилди. Буларнинг барчасини назоратни сақлаб қолиш, фуқаролар эътиборини ички муаммолардан ташқи таҳдидларга қаратишга бўлган уриниш сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ улар вазиятни назорат остида ушлаб тура оладиларми?

Агар воқеалар ҳозирги ўзанда давом этса, куйидаги натижалардан бирига гувоҳ бўламиз:

Европада харбийлашув жараёни бошланади. Асосий мақсад ички норозиликларни қаматириш ва иқтисодиётни урушга сафарбар қилишга йўналтирилади.

Ижтимоий муаммолар Европада кескин вазиятни юзага келтиради. Агар инқироз назоратдан чиқса, европаликларнинг қашшоқланган қатламлари инқилобий ўзгаришлар тарафдорига айланади.

Европа парчаланadi. Франция ва Германия глобалистик йўналишни сақлаб қолишга ҳаракат қилса, Венгрия ва Италия каби давлатлар тараккиётнинг муқобил йўлларини кидира бошлайдилар.

Нима бўлганда ҳам, Трамп ва техно-ўнғичлар бугунги Европани иттифоқчи эмас, балки бошқариш мумкин бўлган ресурс сифатида кўраптилар. Улар учун Европа Иттифоқи – тарихини тезлаштиришга тўғанок бўлаётган эски тузилма, холос.

Илон Маск «Биз ҳал қилувчи чегарага етиб келдик» деб ёзганида, фақат технологик келажакни назарда тутмаган кўринади. Сиёсий воқеалар ҳам орта қайтмас тус оляпти. Иқкинчи жаҳон урушидан кейин шакланган глобал тартиб поёнига етди. Халқаро институтлар мавқеи пайсамоқда, эски сиёсий элиталар жон-жаҳди билан ҳокимиятга чирмаиса-да, тобора ожиз ва нотавон кўриняпти.

Аваллари келажакни тахмин қилса бўларди. Бугун эса у гирдоб мисоли ўзидан аввалги барча нарсаларни ўз домига тортиб кетяпти. Унинг ортида нималар борлигини ҳеч ким билмайди. Бу энди тадрижий эволюция эмас, балки шиддатли тезлашув, мавҳумликка сакраш билан баробар кадам.

Эски тартиб икки исканжа ўртасида қолган. Биринчиси – элиталардан, уларнинг ёлғонидан, мафкурасидан, назорат остидаги реаллигидан чарчаган омма исёни. Улар оддий ечимларни, аввалги дунёни қайтаришни талаб қилишяпти. Трампга овоз беришмоқда, радикалларни қўллаб-қувватлашмоқда, норозилик намойишларига чиқишмоқда. Иқкинчиси – ҳокимиятнинггина эмас, балки бошқарув тизимини ҳам ўзгариштирган технократлар инқилоби. Улар сиёсат, давлатлар ва демократик таомиллар эскирганига, келажак алгоритмлар, сунъий интеллект ва маълумотларга эга бўлганларники эканига ишоняптилар. Ушбу тўқнашувда яширин давлат эскилик сарқитига айланяпти. У энди вазиятни назорат қила олмаяти – бошқармаяпти, тийиб турибди, холос.

XX аср глобал тартибига асос солганлар янги аср тезлигига мослаша олмадилар. Улар институтларга таяниб яшадилар, аммо дунё рақамли платформаларга кўчди. Улар жамиятнинг ОАВ



**Жиззах шаҳридаги 9-давлат мактабгача таълим ташкилотида энага бўлиб ишлаб келган Шаҳноза Полвонова ҳомиладорлик ва туғуруқ таътилидан сўнг ишга қўйилмаётган экан. Касаба уюшма аралашуви билан иш берувчининг бу гайриқонуний ҳаракатига чек қўйилди.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши энаганинг мурожаатини ўрганиб чиққач, иш берувчига меҳнат қонунийлиги бўйича тушунтириш берди.  
Демократик, ҳуқуқий, ижтимоий жаҳиат барпо этилаётган мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя

## ИШ БЕРУВЧИ НОҲАҚ ЭДИ

ланган. Жумладан, Меҳнат кодексига ҳар қандай меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга экани белгиланган.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 404-моддасида аёлга туғуруқкача етмиш календарь кун ҳамда туғуруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши белгиланган.

Меҳнат кодексининг 405-моддасига кўра, болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи сақланади. Бу таътиллار

меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади.  
Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги тегишли қарорига кўра, 2019 йил 1 майдан бошлаб аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларга қўллаш бўйича таътиклар бекор қилинди. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қаролатлари янада кучайтирилди.

9-мактабгача таълим ташкилоти маъмурияти Шаҳноза Полвоновани ҳомиладорлик ва туғуруқ таътилидан сўнг ишга қўймай меҳнат қонунийлиги талабларини бузган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси вилоят кенгаши иш берувчига аниқланган қамчиликларни бартафари этиш ҳақида тақдимнома киритиб, у қаноатлангирилмас, низо суд тартибда хал қилиниши, қўшимча моддий ва маънавий зарар ундирилиши, ташкилот раҳбари эса маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида оғохландирди.

Иш берувчининг 2025 йил 6 январдаги буйруғига биноан тақдимнома қаноатлангирилиб, Ш.Полвонова туғуруқ таътилидан сўнг ўз вазифасини бажаришга киришди.

**Муҳаммад ЖўРАҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлари бўйича бош мутахассиси

# ДИРЕКТОР ЎЗ ЖОЙИДА

ШЕРОБОД ТУМАНИ «ОЛТИН ВОҲА» МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ ГУЛЧЕХРА АЛИБОВА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА ИШ БЕРУВЧИНING ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИДАН НОРОЗИ БЎЛИБ, МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ.

Ҳуқуқатимизнинг 2005 йил 21 декабрдаги тегишли қарорига кўра, ОИТС ва ОИВ инфекциясига чалинган беморларни диагностика қилиш, даволаш ва уларга бевосита хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи тиббиёт ходимлари, раҳбарлар, мутахассислар, хизматчи-ҳодимларнинг тариф ставкаларига қўшимча тўлов тўлашни керак. Лекин Жондор тумани тиббиёт бирлашмасида ушбу масала эътибордан четда қолдириб келинган.

## 42 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўрганишлар жараёнида аниқланишича, бирлашмага қарашли марказий поликлиниканинг болалар инфекционисти, хона врач Д.Қаюмова, ҳамшира К.Ҳамраева ҳамда кичик тиббий ходим Г.Нуруллаевага ОИВ ва ОИТС касаллигига чалинган беморлар билан шугулланиш, уларни диспансер назоратига олиш, қон таҳлилларини амалга ошириш, тестдан кейин суҳбат ўтказиш, мусбат натижа чикканда тегишли чораларни кўриш вазифалари топширилган. Аммо уларга қўшимча 75 фоиз миқдорда устама тўланмаган.

Ўрганиш натижалари асосида фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Шундан сўнг, суднинг хал қилув қарорига мувофиқ устама маблағнинг бир қисми иш берувчи томонидан тўла берилди. Аммо қолгани тўланмади.

Касаба уюшмалари аралашуви билан судга такроран даъво-ариза киритилди. Пировардида ҳақиқат қарор топди. Учала ходим фойдасига уларнинг лавозим маошига қўшимча қарийб 42 миллион сўм ундириб берилди.

**Иброҳим БЕРДИЕВ,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бўхоро вилояти бўйича меҳнат тегши инспектори

## ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Лазизахон Қобилова «Фаргона халқаро аэропорти» МЧЖда 2016 йилдан буён ишлаб келатган эди. Шу давр оралиғида бола парваришлаш таътилига чикки. 2024 йил ноябрь ойида эса иш берувчига ишга қайтиш ҳақида ариза эъди. Аммо раҳбар негалир розилик билдирмади. Ҳуқуқлари бузилаётганидан норози бўлган Л.Қобилова бир неча ваколатли органга бу ҳақда мурожаат қилди. Аммо муаммоси хал этилмади.



Шундан сўнг, у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг бош мутахассиси

уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг эшигини қоқди. Кенгаш томонидан унинг аризаси ўрганиб чиқилгач, низо судга кўриладиган бўлди. Суд қарорига асосан вилоят кенгашининг иш берувчига ходимни аввалги лавозимига қайтариш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги даъво-аризаси қаноатлангирилиб, Лазизахон Қобилова ўз вазифасида ишлашда давом этадиган бўлди. Шунингдек, унга 17 млн. сўмга яқин пул маблағлари ундириб берилди.

**Мансуржон УСМОНОВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг бош мутахассиси

Шикоят аризасини масъуллар тегишли тартибда ўрганиб чиқибди. Маълум бўлишича, Г.Алибובה 2013 йил 16 майда Шеробод туманидаги 38-умумтаълим мактабига директор лавозимига тайинланган. 2024 йил 30 июль кунини меҳнат таътилида бўлишига қарамай, иш берувчи уни қақриб олган ва шу қуниёқ ундан гўёки ўз ихтиёри билан ишдан бўшаши ҳақида ариза эъди беришини талаб қилган. Бунга унинг қўл остидаги О.Бердиқулов устидан тушган шикоят хати сабаб бўлган, яъни ўқитувчининг хатоси учун директор «чопилган».

Аммо бироз муқаддат ўтгач, тегишли тергов органлари «О.Бердиқулов ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ», деган қарорга келишди ва унга нисбатан қўзғатилган ишни тугатишди. Лекин гишт қопилдан кўчиб бўлган, яъни директор ишдан бўшатилиб юборилган эди (Сурхондарэ вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси Г.Алибובה билан тузилган меҳнат шартномасини МКНинг 157-моддасига асосан, 2024 йил 5 августда бекор қилган).

Аслида иш берувчи директор билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда қатор қонунбузилишларга йўл қўйган. Мажбуран ариза олингани шулар жумласидандир.

Г.Алибובהнинг манфаатини қўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Мухокама жараёнларида фуқаро ишдан бўшаши ҳақидаги аризани иш берувчининг қисови билан ёзганини бот-бот таъкидлади ва адолат посбонларидан қонуний қарор чикаришини сўради.

Суд тақдим қилинган ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб чиқди ва Сурхондарэ вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2024 йил 5 августдаги буйруғини бекор қилди. Шу тариха Г.Алибובה ўз лавозимига ишга тикланди ҳамда мажбурий бекор юрган қунлари учун унга 20 миллион 765 минг 462 сўм ойлик иш хақи, шунингдек, 5 миллион сўм миқдорда маънавий зарар ундириб берилди.

**Зариф ХОЛОВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарэ вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига Республика тез тиббий ёрдам марказининг Тошкент вилояти филиали шифокори Жаҳонир Жаҳониров унга январь ойидан буён ойлик иш ҳақи тўланмаётгани юзасидан шикоят аризаси келиб тушди.**

## ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНДИ

Мурожаат дарҳол атрофила ўрганиб чиқилди. Натижада, ташкилот томонидан унга 2025 йил январь ойи учун 25 иш кунини 96 соат навбатчилигига 3 млн. сўмдан зиёд иш хақи тўланмаганлиги аниқланди ва бу маблағ шифокорнинг пластик картасига тушириб берилди.

Бундан ташқари, иш хақи қайта ҳисоб-китоб қилинди. Унинг байрам қуни ҳам навбатчилигига тургани ва бунинг учун белгиланган соатлари тўлиқ ҳисобланмагани, у аслида 120 соат ишлагани маълум бўлди. Унга қўшимча 522 минг сўм иш хақи тўланди.

**Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

# КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

ташвиқотига таяниб бошқариш мумкин деб ўйладилар, аммо жаҳиат онгини назорат қилиш ижтимоий тармоқлар алгоритмларига ўтиб кетди.

Бундай вазиятда Питер Тиль, Илон Маск, Вивек Рамасвами, Марк Андриссен учун демократик институтлар аҳамиятсиз. Уларни қизқирган нарсаси – ҳокимиятнинг муҳандислик тизими сифатида қайта қуриш, кераксиз унсурларни олиб ташлаш, одамларнинг алгоритмларга алмаштириш.

Хўш, яқин йилларда дунёни нималар кутмоқда?  
**Биринчидан,** эски қоидалар емирлади. Сийсий институтлар аста-секин қучиқилана боради, халқаро ташкилотлар ўз аҳамиятини йўқотади, миллий давлатлар эса инкорозлар гирдобига қолади. Европа бу зарбани кўтара олмаслиги мумкин, чунки унинг элиталари бундай сценарийга тайёр эмас.

**Иккинчидан,** технологик инқилоб ҳокимият қуролига айланади. Энг яқин бошқарувчилар эмас, энг яқин башоратчилар га-лаба қозонади. Сунъий интеллект, улкан маълумотлар таҳлили ва тотал рақамли назорат ҳуқуқдорликнинг асосий механизмларига айланади.

**Учинчидан,** либерал глобализм кулайди. Дунёни шартнома-лар, саммитлар ва бюрократия орқали бошқариш даври бора-бора ўтмишда қолади. Унинг ўрнига тартибсизлик, технологик рақобат ва келажакни куч билан қайта тақсимлаш келади.

**Тўртинчидан,** анъанавий сийсет ҳам ўзгаришларга учрайди. Катта корпорациялар, трансмиллий технопузилмалар ва рақамли платформалар давлатлар функцияларини ўз зиммасига олиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бутунги дунё ана шундай тарихий ўзгаришлар остонасида ту-

рибди. Янги ўтиш даврини қимлар ўзгартиради? Жараёнлар назорати кимнинг қўлига ўтади? Вақт қайси йўналишда тезлашини ким белгилайди?

Ана шу саволларга жавоб топа олсак, воқеалар ривожига ҳам аниқлик киритган бўлаيمиз.

Бу фақат АҚШ ва Европага тааллуқли жараёнлар эмас. Ўзгаришлар бутун дунёга, шу жумладан, Марказий Осиёга ҳам таъсир қилиши, шубҳасиз.

Биз ҳаминша турли сийсий қучлар – Россия, Хитой, АҚШ, Туркия ва Кўрфаз давлатлари ўртасида мувозанат сақлаб келганмиз. Бирок дунёдаги бугунги жараёнлар сабаб ушбу мувозанатни сақлаб туриш тобора қийин кечиши мумкин. Шу билан бирга, мажбур воқеалик геосийсий чорраҳада жойлашган мамлакатларга янги таҳдидлар қатори янги имкониятлар ҳам тақдим этиши эҳтимолдан холи эмас.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мақзур жараёнлар минтақа учун қуйидаги оқибатларни келтириб чикаради.

**1. Эски халқаро тартибнинг ўзгариши.** Марказий Осиё узок йиллар йирик сийсий қучлар ўртасидаги мувозанатни сақлаб келди. АҚШ ва Европа минтақада глобал тартиб ўрнатувчи қуч, Россия ва Хитой эса худудий барқарорлик қаролати сифатида қўрилди. Табиийки, АҚШ элиталари ўртасида кураш қучайган, Европа таъсири қамайган, Россия геосийсий қарама-қаршиликлар гирдобига қолган бир пайтда минтақадаги вазиятни ким белгилайди деган савол туғилди.

Агар дунё кўп қутли, аммо тартибсиз кўриниш олма, мамлакатимиз Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари қатори ўзининг суверенитети ва миллий манфаатларини ҳимоя қила оладиган янги моделларни ишлаб чиқиши керак бўлади.

**2. Технологик инқилоб.** Маск, Тиль ва Андриссен илгари сураётган технократик инқилоб дунёдаги «ривожланган» ва «ривожланаётган» давлатлар ўртасидаги анъанавий тафовутни йўққа чикаради. Бундан кейин глобал тизимда асосий ролни технологик аналқавлар ва рақамли давлатлар ўйнайди, улар буюк давлатлар билан тенг рақобат қилишга киришади.

Хўш, ушбу вазият Ўзбекистон учун нимани англатади? Биринчидан, мамлакатимиз технологик иқтисодиётга кириш учун янги имкониятларга эга бўлади. Агар сунъий интеллект, блокчейн, рақамли молия ва кибериктисодиётга ўз вақтида ва самарали эътибор қарата олсак, минтақанинг янги рақамли иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирига даъвогарлик қилишимиз мумкин. Зарур инфрапузилмани ярата олмасак, фақат чет эл технологияларини истеъмол қилувчи давлатлар қаторига қолиб кетишимиз турган гап.

Қолаверса, янги тартибот даврида хомашё ва ишчи қучи экспортга қарамлик тобора аҳамиятсиз тус олади. Ҳозирги кунда миллий сунъий интеллект, рақамли валюта ва биотехнология стратегияларини ишлаб чиқиш ўта муҳим масалалардан бирига айланиб борапти.

**3. Глобал либерализм заифлашуви.** Марказий Осиё узок йиллар давомида мақзурулар кураши майдони бўлиб келди. Фарб ННТлари, АҚШ ва Европа институтлари демократия ва либерал демократия тарғиб қилган бўлса, Хитой, Россия ва Туркия муқо-бил моделлар тақлифини илгари сурди.

Бирок глобал либерализм заифлашгани сари, Фарб ўз ғола-рини мажбуран синдириш салоҳиятини йўқотаяпти. Бунинг нати-жасида гуманитар лойиҳаларни, ОАВ ва фуқаролик жаҳиатини мо-лиялаштириб келган Фарб ташкилотларининг минтақага таъсири аста-секин йўққа чикиши мумкин. Ана шундай бир шароитда ми-нтақа давлатлари Фарб стандартларидан фарқли, ўзига хос сийсий йўлни топишга ҳаракат қилиши, шубҳасиз.

**4. Интеллектуал ва маданий мустақиллик учун кураш.** Агар эски либерал тартиб яқун топса, унинг ўрнини қайси қадрият эгаллайди? Вариантлар кўп эмас: Хитой модели, Туркия неосу-мончилиги ёки янги Марказий Осиё модернизацияси. Айни пайтда мамлакатимиз бошқа моделлардан фарқли ўз мақзурувий йўнали-шини аниқ белгилаб олиш учун яқин имкониятга эга.

Қолаверса, янги сийсий эврилишлар глобал иқтисодий марш-рутрларнинг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Хитой неча йиллардан буён «Бир макон – бир йўл» лойиҳасини илгари сурмоқда. АҚШ денгиз йўналишларига босимни қучайтири-гани боис Марказий Осиё қуруқлик орқали Хитой ва Европани боғлайдиган асосий худудга айланиши керак.

Россия Европа билан аввалги иқтисодий алоқаларини йўқот-ган. Бу эса уни Марказий Осиё билан ҳамкорликни қучайтиришга мажбур қилапти.

Туркия ва Яқин Шарқ иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ янги шакллари тақлиф қилиб, Марказий Осиёда таъсирини кенгай-тирмоқда.

Агар мамлакатимиз ушбу имкониятдан самарали фойдалана олма, шубҳасиз, Евроосиё савдоси марказига айланади.

Бирок бунинг учун транспорт коридорлари инфрапузилмасини ривожлантириш – темир йўллар, автомобиль йўллари ва логистика марказларини модернизациялаш, янги логистика технологияла-рига сармоа қилиш, самарали ва тезкор юк ташиш тизимларини, рақамли савдо ва логистика платформаларини яратиш, блокчейн, автоматлаштириш ва сунъий интеллект асосида илмий таҳлил ти-зимларини жорий этиш талаб этилади. Қолаверса, минтақадаги

барқарор вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**5. Янги ҳарбий ва сийсий воқеалик.** Янги воқеалик қутилма-ган инкорозлар ва жоғароларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса ҳеч қайси ҳарбий блокка аъзо бўлмаган давлатимиз учун турли қучлар ўртасидаги мувозанатли сийсетни давом эттиришга ун-дайди.

Ҳар доим таъкидланганидек, Афғонистон, Кавказ ва Яқин Шарқдаги нотинчликлар минтақага таъсир қилади. Марказий Осиё давлатлари, эҳтимол, Туркия, Хитой ёки киберхавфсизлиқни таъ-минлайдиган технологик корпорациялар билан янги хавфсизлик иттиқоқларини излашга мажбур бўлади.

Тарихдаги барча улкан ўзгаришлар аввалига ақлбавар қилмас жараён сифатида намоён бўлган. Бутунги дунё айнан шундай пал-лада. XX асрда шаклланган глобал тартибот эндиликда ўз самара-сини йўқотмоқда. Башарият тарих қатор тамадуулар инкоро-зига гувоҳ бўлди. Энди эса эски глобалистик дунё тартиби тугаёт-ганини кўрмоқдамиз.

Бу жараён натижасини ҳеч қим аниқ башорат қила олмади. У хаддан ташқари тез, хаддан зиёд мураккаб ва назоратдан ташқари ривожланмоқда. Агар олдин тарих йиллар, ўн йилликлар даво-мида шаклланган бўлса, эндиликда у оилар, ҳафталар, ҳатто қун-лар ичида ўзгарапти.

Бу жараёнлар ичида Марказий Осиё ҳам ўз ўрнини аниқ бел-гилаб олиши шарт. Ҳар бир цивилизация ўз келажакни танлаш имкониятига эга бўлган тарихий паллалар бўлган. Бу имкониятни қўлдан чикарганлар замон қангалзорларида йўқолиб кетган, ундан фойдаланганлар эса янги давр етакчилигига айланган.

Бир қарашда, бу нафақат таҳдид, балки қатта имконият ҳамдир. Агар Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари технологик жа-раёнларни ўзлаштириб, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект сингари соҳаларда ташаббускорликни қўлга олма, улар ўзларининг иқтисодий ва сийсий мустақиллигини мустаҳкамлашлари мумкин. Аке хоҳла, янги трансмиллий технократия воситасига айланиб қо-лиш ҳақи бора.

**Хулоса шундан иборатки, дунё шиддат билан ўзгармоқда. Қай-сидир қавмлар бу ўзгаришлар қурбонига айланади, қай бир-лари эса уларни бошқаради. Тарих бугун туб бурилиш ол-моқда – энди уни ким ёзишини фақат вақт қаротади.**



**Жаҳонгир НАХАНОВ**  
«ISHONCH»

Президентимиз ташаббуси билан 2025 йил юртимизда «Атроф-мухитни асраш ва яшил» иқтисодий йили» деб эълон қилинди. Зеро, яшил иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистон учун нафақат экологик масъулият, балки барқарор ривожланишнинг янги моделига ўтиш ҳам демокдир.

Хўш, яшил иқтисодиёт нима? У келажакда қандай натижалар бериши мумкин? Қуйида шу хусусда сўз юритамиз.

Яшил иқтисодиёт табиат ресурсларидан эҳтиёткорона фойдаланишни, чиқиндиларни камайтиришни ва уларни қайта ишлашни, энергетика самарадорлигини оширишни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган иқтисодий фаолият моделидир. Унинг асосий мақсади табиий ресурсларни тежаш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайитириш ва иқтисодиёт ўсишини экологик жиҳатдан барқарор ҳолда сақлашдир. Яшил иқтисодиётга ўтиш ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам янги иқтисодий имкониятлар яратиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари билан жаҳон бозорига муҳим ўрин эгалламоқда. Бироқ бу ўсишнинг экологик жиҳатлари ҳам мавжуд. Мамлакатимизда экологик муаммолар, жумладан, сув ресурсларининг камайиши, ҳавонинг ифлосланиши ва қишлоқ хўжалигидаги интенсификация жараёни иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашни қийинлаштирилади. Шу боис яшил иқтисодиётга ўтиш нафақат табиий ресурсларни самарали бошқариш, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни ҳам янги йўналишда олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Энди яшил иқтисодиёт келгусида Ўзбекистонни қай даражада ўзгартириши мумкинлигини соҳалар мисолида батафсилроқ кўриб чиқайлик.

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

Ўзбекистон арид (қурғоқчил) минтақада жойлашган. Демак, сув ресурслари унинг ривожланиши учун жуда муҳим ҳисобланади. Сув таъминоти ва сув ресурсларини самарали бошқариш ўлкамиз келажаги учун стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда юртимизда сугорчилик учун кўп сув сарфланади. Бу сув камайишига ва туپроқ ёмонлашишига олиб келади. Яшил иқтисодиётга ўтиш орқали сувни тежаш технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида замонавий сугорчи тизимларини яратиш мумкин. Бунда сувсиз ҳолатдаги қишлоқ хўжалиги технологияларининг ривожланиши ва инновацион ечимларнинг қўлланилиши муҳим роль ўйнайди.



Шу билан бирга, Ўзбекистонда сувни тежаш бўйича «аккли» технологияларни жорий этиш ва сугорчи тизимларини модернизациялаш мамлакатни экологик жиҳатдан янада барқарор қилишга ёрдам беради. Масалан, замонавий технологиялар, дроңлар ёрдамида ўлчовларни аниқ ўлчаш ва сув ресурсларини бошқариш орқали қишлоқ хўжалигида сувни тежаш ишлатилиш мумкин.

**БАРҚАРОР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги асосий иқтисодий сектор бўлиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Яшил иқтисодиётга ўтиш орқали, органик қишлоқ хўжалигига, агро-экологик технологияларни қўллаш ва туپроқни химоя қилиш бўйича инновацион ечимларга ўтиш мумкин. Бу, ўз навбатида, нафақат атроф-мухитни сақлаш, балки қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсишини таъминлашга ҳам ёрдам беради. Яшил иқти-

содиёт, шунингдек, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалар ва пестицидлар истеъмолини камайитириш, қайта тикланувчи ресурслар асосида ишлов бериш, ишлаб чиқариш тизимларини жорий этишга ёрдам беради.

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ**

Ўзбекистон энергия сектори ривожига катта ўзгаришларни амалга оширмоқда. Хозир юртимизда асосан газ ва нефть манбалари ишлатилмоқда. Бироқ қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш иқтисодиётга янги имкониятлар яратади. Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, уларни тўлиқ ишлатиш Ўзбекистонга энергия таъминоти барқарорлигини оширишга ёрдам беради.

Яшил иқтисодиётга ўтиш орқали қуёш панеллари ва шамол генераторларини ишлаб чиқариш, уларни энергия тизимига жорий этиш мумкин. Бунда Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларига сармоя киритиши орқали келажакда энергия таъминотини тў-

лик мустаҳкамлашга эришиши мумкин. Шунингдек, бундай технологияларни жорий этиш орқали мамлакатда янги иш ўринлари яратилиши ва иқтисодий ўсиш суръатлари ошиши кутулкимоқда. Энг асосийси, атроф-мухит ифлосланишининг олди олиниб, аҳолини тоза экологик энергия манбалари билан таъминлаш имконияти яратилади. Шунингдек, энергия таъминоти етиб бормаган ҳудудларни энергия билан таъминлаш мумкин.

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШ**

Ўзбекистон иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларни хис қилмоқда. Хароратнинг кўтарилиши, қурғоқчилик, сув ресурсларининг камайиши ва бошқа экологик муаммолар мамлакатнинг ривожланишига таҳдид солмоқда. Яшил иқтисодиётга ўтиш иқлим ўзгаришига қарши курашишда янги ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон беради. Экологик таълим, иқлимга мослашиш ва атроф-мухитга зарар келтирмайдиган тех-

нологияларни ривожлантириш Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига қарши курашишида муҳим ўрин тутаяди.

Иқлимни химоя қилиш учун яшил иқтисодиётга ўтиш нафақат мамлакатдаги экологик барқарорлиқни таъминлашга, балки иқтисодий имкониятлар яратишга ҳам ёрдам беради. Бунда энг муҳим йўналишлардан бири саноатнинг яшил технологияларини жорий этишидир.

**САНОАТ ВА ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Яшил иқтисодиётга ўтишда саноатнинг роли бекиёс. Яшил иқтисодиёт саноатнинг экологик жиҳатдан самарали ишлашига ёрдам беради. Бу энергия тежаш технологияларини жорий этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, хомашё ресурсларини унумли ишлатиш ва ишлаб чиқариш жараёнида атроф-мухитни химоя қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, яшил технологияларни жорий этиш орқали саноат ишлаб чиқаришининг экологик асоратларини камайитириш мумкин. Яшил ишлаб чиқариш ва энергия самарадорлиги, нафақат атроф-мухитни химоя қилиш, балки янги иқтисодий имкониятлар яратишда ҳам муҳимдир.


**ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ**

Яшил иқтисодиётга ўтиш ҳар бир фуқаронинг фаол иштирокини талаб қилади. Экологик таълим ва хабардорлиқни ошириш, жамоатчиликни яшил иқтисодиётга жалб этиш, фуқароларга экологик ҳатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш, тўғри ахборот тарқатиш ва экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Ўзбекистонда ёшларни яшил иқтисодиётга кенг жалб қилиш барқарор ривожланиш учун ҳам зарур.

Яшил иқтисодиёт Ўзбекистоннинг келажаги учун жуда муҳим. Бу нафақат экологик муаммоларни ҳал қилиш, балки иқтисодий ўсишни янги, барқарор ва экологик нуқсон азардан ривожлантиришга имкон беради. Сувни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, саноатни экологик жиҳатдан озғиртириш, яшил иқтисодиётга ўтиш орқали сувни тежаш технологияларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида замонавий сугорчи тизимларини яратиш мумкин. Бунда сувсиз ҳолатдаги қишлоқ хўжалиги технологияларининг ривожланиши ва инновацион ечимларнинг қўлланилиши муҳим роль ўйнайди.



**Адамбой МАШАРИПОВ,**  
Ураччи давлат университети  
Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси доценти



**«ҚОРАТОШ»ГА ТЎХТАБ ЎТИНГ**

«Чинор остидаги дуэль» фильмини кўрмаган одам бўлмаса керак. Ўша машҳур кино Фориш туманининг Қоратош қишлоғида суратга олинган.

Тоғлар этагида жойлашган қишлоқда қирлар, бўлоқлар кўп. Туман марказига йўл шу қишлоқдан ўтган. Йўловчиларнинг аксарияти марказга бориш ёки қайтишда гўжачилар чайласи олдида тўхтаб, гўжа ичиб кетишади.

Иқлима Эгамова қишлоқдаги энг тажрибали гўжа тайёрловчилардан бири. У гўжа тайёрлашни онасидан ўрганган.

— Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида онам шу ерда гўжа сотарди, — дейди Иқлима опа. — Ўша вақтларда бир коса гўжа 40-50 тийин эди. Қишлоғимиз момолари азалдан гўжа тайёрлашга уста бўлишган. Бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бизда гўжа тўрт хил маҳсулот, яъни бугдой, маккажўхори, жўхори ҳамда гуручдан тайёрланади.

Сотувчилар олдида борганимизда бир ҳолат эътиборимизни тортди. Гўжачи аёллар харидорлар олдига юғуриб чиқиб, «клиент» талашмас экан. Кимнинг навбати келган бўлса, фақат у гўжа сотаркан.

— Бизнинг ўз қонун-қондамыз бор. Ёз кунлари олти-мишга яқин аёллар савдога чиқишади. Айтайлик, бир кун ўттиз нафар хотин-қиз гўжа олиб чиқса, эртаси кун қолган ўттиз нафарнинг навбати. Ҳар кунни сотаман, деган гап йўқ. Агар омадимиз келса, бир кунда 20-25 коса гўжа сотамиз, айрим кунлари умуман сотилмаслиги ҳам мумкин. Қиш кунлари 2-3 коса сотамиз, совун пули бўлиб турибди, харна-да, — дейди Умида Умироқова.

Биз гўжачи тайёрлаш машаққати, келиди маккажўхори донини эзиш жараёни ҳақида ҳам билиб олдик. Маҳсулотни майдалаш ва тозалашга ўртacha икки-уч соат вақт кетар экан. Таом пишунча етти-саккиз соат қайнатиларкан. Бу юмушларни қиш кунлари печкада

қилишининг ўзи бўлмаса керак, албатта.

Хозир бир коса гўжанинг нархи беш минг сўм. Аммо таомни тайёрлаш машаққати, сарфланадиган меҳнат ва таомга солинадиган маҳсулотнинг нархини ҳисобга олсак, киммат эмас.

**СУРИШТИРИБ БИЛДИККИ, ҚИШЛОҚДА ГЎЖА ҲАМДА АЙРОННИ БИР НЕЧА ХИЛ УСУЛДА, ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА ТАЙЁРЛАШ КЕЧА ЁКИ БУ-ГУН ПАЙДО БЎЛГАН ЭМАС. ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ, ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИНИНГ ГЎЖА ПИШИРИШГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ. ҚОРАТОШ ҚИШЛОҒИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КЎПРИК ВА БЎЛОҚ ЕКАСИДА КАМИДА ҚИРҚ ЙИЛДАН БЕРИ ГЎЖА СОТИШАР ЭКАН.**

Гўжа ва айрон сотиб, оила-сига барака келтираётган аёллар томонидан жорий қилинган тартибда ўзига хос адолат бор. Ҳамма маҳсулотини навбат билан сотади, мижоз талашини, бақир-чақир йўқ. Узрли сабаб бўлмаса, ҳеч кимга имтиёз ҳам берилмайди. Хуллас, ҳеч кимнинг савдоси синмайди.

Агар Форишга йўлингиз тулса, Қоратошга тўхтаб ўтинг. Тўйимли, мазали ва фойдали гўжадан ичинг...

Ўшанда менинг гапларим канчалик рост эканига амин бўласиз.

Айтганча, «Айрончи қиз» деган кўшиқ бўлган. Ўша кўшиқни эшитиб, айрон ёки гўжа ичсангиз, бошқача кетади-да ўзим.



**Мукимбой ИСМОИЛОВ**  
«ISHONCH»

**Ҳаловат**



**Икромжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси  
Сирдарё вилояти кенгаши Молия бўлими мудири

Инсонга берилган инъомдир умр,  
Яшамоқ синодир — ўтолсанг хузур.  
Тақдир ҳукмидир не келса бошга,  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Ҳаётнинг ташвиши, сўқмоқлари қўп,  
Фитна-ю фасоди, тўқмоқлари қўп.  
Қаму қўсти, бир қами, ямоқлари қўп  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Ҳаёлга келади турфа хил ўйлар,  
Кўнгил не истамас, мол-дунё, ўйлар.  
Дабдаба, тантана, доврўқли тўйлар  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Йўқчилик дард эмас аслин олганда,  
Бойлар ҳам ишгайди кези келганда.  
Ҳаловат керакдир кўнгил тўлганда,  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Бугун яшаймиз тинч, ҳур замонда,  
Нимадир етишмас, кимлар армонда.  
Англайлик, жисмишимиз ахир омонда  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Қалбларга берайлик бир озгина тин,  
Яшайлик хотиржам, хузурли, сокин.  
Елкача ортмайлик дунёнинг юкин  
Йўзига сабрдир, бориға шуқур.

Азиз газетхон!  
Мароқли дам олинг!



Азиза Ниёзметова ижросида  
«КЕЛСАНГИЗ» қўшиғи

Қишимши қўшиб бол бераман — есангиз.  
Юрагимдан жой бераман — келсангиз.  
Новвот қўшиб чой бераман — ичсангиз.  
Юрагимдан жой бераман — келсангиз.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
ISSN 2010-5009  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqm bilan ro'yatga olingan.  
«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarī tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)  
Bosh muharrir Husan ERHATOV  
Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43 Marketing va obuna — (71) 256-87-73  
Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov  
Musahhih: D. Ravshanova  
Sahifalovchi: H. Abdullajilov  
Boshlshga topshirish vaqti — 02:20 Topshirildi — 02:40 Bahosi kelishilgan narxda  
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Umumiy adadi 32 463 ta  
Shundan: 6 275 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 277 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 914 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.  
Gazetaning poligrafik jiҳatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.  
Gazetaning etkazib berilish uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hami 2 bosma taboq. Bayurtma G-311  
1 2 3 4 5 6